



Рус аскарлари генерал Черняев бошчилигида Авлиёота томонидан ҳаракат қилаётган вақтда полковник Веревкин 1864 йил 22 майда Перовский фортидан (Ок-масжиддан) чиқиб, 8 июнда Корачик ва 9 июнда Туркистон шаҳри атрофидаги боғларга ўрнашади.

Шаҳар баланд девор билан ўралган бўлиб, шимоли-шарқий томонида ҳарбий истехком бор эди. Рус манбасига кўра, калъада 1500 аскар ва курулланган оломон мудофаада турган. Ўша 9 июн куниёк ватан химоячилари душманга қарши тўп ва милтиқлардан ўк ёғдирганлар. Бу вақтда руслар 4-5 рота, 200 казак, 20 замбарак, 6 мортира, 2 ракета станогии билан жанг қилмоқда эдилар. Аммо ватан химоячилари мардонавор туриб душманга қарши жангни давом эттирдилар. 10 июн кечасига ўтар вақтда душман 8 батареяни шайлаб, тонг отганидан сунг калъани тинимсиз ўкка тутди. Оқибатда калъа ичида ёнгин чиқиб, ахволни оғирлаштиради. 11 июн кечаси душман калъага янада яқинлашиб, кўшимча батареяни ўрнатадилар. Соат ўн бирларда ватан химоячилари уч маротаба ҳужумга ўтиб, душманни анча гангитиб кўядилар, босқинчилардан уч киши ўлдирилиб, 25 киши жароҳатланади.

12 июнга ўтар кечаси калъага ҳужум давом этади. Лекин ватан химоячилари ўнг ва чап томондан ҳужум қилаверганлар. Натижада штабс-капитан Каховский ҳалок бўлади, 8 киши жароҳатланади. Айни бир пайтда ватан химоячиларидан жуда кўп кишилар шаҳид бўлдилар. Шунда руслар тўпларни Аҳмад Яссавий макбарасига тугрилаб, таслим бўлмасалар, уни ер билан яқсон этишларини шаҳар аҳлига маълум қиладилар. Туркистон аҳолисининг қахрамонона қураши, оз булса-да, маҳаллий манбаларда ҳам битиб қолдирилган: «Туркистон шаҳрининг ҳокими Мирза Давлат додхоҳ, — деб ёзади Мухаммад Солиҳ Тошкандий, — Туркистондаги Тошкент ва Дашти Кипчок жангчилари билан урушга тайергарлик кўриб, шаҳар калъасидан ташқарига чиқиб, руслар билан урушиб, иккинчи томондан, Тошкент ва Кўконга ахборот юбориб, ердам беришни илтимос қилиб, интизорлик чекиб урушни давом эттирдилар».

Ўша муаллиф ўз асарининг бошқа саҳифасида жанглар тафсилотини янада аниқроқ ёзиб, ватан химоячиларидан кўп кишилар ўлдирилганлиги ва тирик қолганлар шаҳардан қочиб кетганликларини уқдириб утади: «Туркистонни руслар қаттиқ камал қилиб, эрта тонгдан бошлаб руслар шаҳар калъасига ҳужум қилиб, шаҳар ичига бостириб қириб, маҳаллаларда кўп фуқароларни, навқарларни ва гозийларни ўлдирдилар. Тирик қолган гозийлар захмдор ва мажруҳларни ўзлари билан олиб Туркистондан Чимкентга ва бу ердан Тошкентга қелдилар».

Аммо Аваз Мухаммад Аттор Хукандий воқеани бироз бошқачароқ таърифлайди: «Бир неча минг ўрус ва кўпгина казак сарбозлари Окмасжиддан сўнг Ясси, яъни Туркистон шахрини мухосара (камал) кила бошладилар. Бу ернинг хокими Мирза Давлат шижоат ва мардлик намунасини кўрсатди, ўз лашкари билан кофирлар ўрдусига карши чиқиб, оғир жанг кила бошлади ва шахарга кайтмоқчи бўлди. Аммо Мирза Давлат келиб кўрса, вилоятнинг каллоб, касофат ва бузгунчи кишилари олдиндан ўрусларга сотилиб, уларнинг хизматларида юрган эканлар. Улар вилоятни кофирларга тақдим қилиб, шахар дарвозасини мусулмонларга очмадилар. Улар калъа деворларини тешиб, кофирларни шахарга қуйган эканлар. (Мирза Давлат ўз сарбозлари билан) бу хиёнат хабарини эшитиб, афсус-надомат қилиб ўз жойига кайтди. Улар кечани бирнав ўтказиб, эрта тонг билан Тошкент вилоятига йўл олдилар. Йўл-йўлакай Чимкентга кириб, мазкур Нормухаммадни кўрмасдан, Қоракамиш мавзеига етиб келдилар ва хазрат Миён Халил Соҳиб боғига туш-дилар».

Рус манбаларида Туркистон атрофида Кўкон аскарлари билан отишма бўлганлиги қайд этилган.

1864 йил 12 июнда рус аскарлари Туркистон шахрини босиб олиб 4 замбарак, 117 милтик, 200 ггуд порох, 100 пуд кўргошин ва бошка нарсаларни ўлжа олганлар. Урушда руслардан 5 киши ўлдирилиб, 33 киши жароҳатланган. Руслар Туркистон шахрига 1495 снаряд, 43208 ўк отганлар. Бу — жанг дахшатли бўлганлигидан, кўп кишилар халок этилганлигидан далолат беради.

Аммо шахар катталари, хусусан шайхулисом Насрулло Исоқов, нақиб эшон Алиакбархўжа Хонхўжаев, азизлар — Шарифхўжа Бекбетов, козиқалон Отахўжа Бухоров, Кози Эшонхўжа Мазлумхўжаев, Кози Ботирхўжа Хўжабеков, аълам Абдушукур Кўрмонбеков, раис Гарибхўжа Афзалхўжаев, Аскархўжа Судурхонхўжаев ва бошка кишилар генерал Веревкин номига қуйидаги мазмунда хат ёздилар: «Биз ўзимиз Кўкон хонлиги даврида Мирза Давлатнинг гайриқонуний сиқувлари ва зулмидан холи булиш учун шахар дарвозасини очдик ва ихтиерий равишда император олий хазратларига бўйсундик. Биз кўконликларнинг зулмидан ва зўравонликларидан ҳамда юз бераётган қимматчиликдан жуда кашшоқлашдик, эҳтиёжимизнинг қондирилишига ниҳоятда мухтожмиз. Шу боис янги ҳукмдоримизга бахт-саодат тилаб қуйидаги сўровларимизнинг инобатга олинишини илтижо қиламиз:

1. Хозиргача сакланиб келаётган барча ҳуқуқларимиз ва эҳтиёжларимиз ўз кучида қолдирилиб, ҳамма ишлар ислом дини доирасида амалга оширилсин, суд ҳам шарият асосида олиб борилсин.
2. Отамерос сифатида фойдаланилаётган ерлар, боғлар ва тегирмонлар ҳамда шахар ичида ва ташқарисидаги пулга сотиб олинган ерлар шахсий мулк ҳисобида саклансин.
3. Эндиликда Рус давлати тобелигига ўтганлигимизни ва қамбағаллигимизни назарда тутиб, бизларни закот, хирож (бугдойдан), хонадонлардан ва жон бошидан олинадиган барча солиқлардан озод этилсин.
4. Харбий хизмат бизга татбиқ этилмасин, бошка барча давлат ишлари эса бажонидил бажарилади.

5. Биз хўжалар — Ҳазрат Султоннинг авлодлари қадим вақтлардан буён ва хонлиқлар даврида ҳам барча давлат солиқларидан озод этилган ҳолда ўзимизнинг еримизга, боғларимизга, тегирмонларимизга тўла эгаллик қилиб келганмиз. Бундан буён ҳам мазкур имтиёзлар қолдирилсин. Шунингдек, Ўртоқ ва Суяр сингари икки ариқ сувидан фойдаланишимизга ҳеч қим тўскинлик қилмасин».

Кўриниб турибдики, бир гуруҳ дин пешволари, биринчи навбатда, уз имтиёзларини сақлашга кўпроқ эътибор берганлар. Улар шу даражада нодонлик қилганларки, ислом динида була туриб «кофирлар» қўл остида яшашни афзал кўрганлар. Улар учун имтиёзлар сақланса, бас. Амалда эса, улар «ёмгирдан қутулиб қорға тутилган» кишилар эди.

Бу вақтларда Туркистон шаҳрида 958 хонадон бўлиб, 10000 киши яшарди. Улардан 68 хонадон юқорида қайд этилган хўжа авлодларидан ва 22 хонадон татарлардан иборат эди. Шу боис хўжаларнинг генерал Веревкинга ёзган хати халқ номидан эмас, балки бир гуруҳ дин пешволарининг қаламига мансуб эди. Туркистон музофотида Икон (200 хонадон), Чилич (150 хонадон), Бобой (20 хонадон), Карнок (160 хонадон) сингари қишлоқлар қириб, шимолда Чу дареси, гарбда Янгиқўрган, жанубда Сирдарё ва шарқда Арис билан чегараланган эди. Туркистон атрофи жойларида қозоқ қабилалари истикомат қилганлар. Хуллас, Туркистон Кўкон хонлиги ҳаётида ҳар жиҳатдан муҳим ўрин эгаллаб, тобора қад ростлаб қорабган шаҳар эди. Афсуслар бўлсинки, бу азиз жой ҳам қўлдан бой берилди.

Авлиёта ва Туркистоннинг руслар томонидан босиб олинганлиги ҳақидаги хабар бутун хонлик халқини оёққа турғизди. Султон Саъидхон Қукондан «ҳамма қасаба, вилоятларга фармон ва иноятномалар жўнатиб, ислом дини орқали таъқид ва таҳдид кўрсатиб, қўшин йиғишга қиришди. Хон фармонини эшитиб ҳар томондан жасур аскарлар ва ботир сарбозлар тўпланишиб келдилар... Неча-неча манзиллардан ўтиб, жаноби хон (лашқари ила) Тошкентга келиб истикомат режасини тузди. Бир неча муддатдан кейин қолган қўшин ҳам етиб келди. Сафар анжомларини қамчилигини тўлдириб аста-секин раҳсифат саман жиловини мақсад томон тортдилар». Душманга қарши зўр тайергарлик қўрилганлигини Мухаммад Солих Тошкандий ҳам таъқидлаб ўтган. Унинг сўзича, Султон Саъид Тошкентнинг Мингўрик деган жойига қўшин билан ўрнашган. Бу ерда тўп ва милтиқлардан отиш бўйича ҳар қуни машқ ўтказилган.

«Шундан кейин, — деб езади муаллиф, — уруш жихозларини отларга, араваларга ва туяларга юклаб, тонготар чоғда саф тортган жангчилар ҳукумат саройи олтидан ўтиб, Чимкент томон юрдилар. Уларнинг орқасидан тўплар билан бирга Султон Саъидхон ва амири лашқар Мулла Олимкул бошлиқ саркардалар ва сардорлар ҳар бир маҳалла ва масжид олтида тўхтаб, халқдан ва дин пешволаридан дуо ва фотиҳа олиб, бутун халқ қўлларини дуога қўтариб йиғлаб, муллалар ваъзу насихат қилиб, ҳаммани йиғлатиб газога, урушга даъват этиб ташвиқот юргиздилар».

Мазкур сатрлар шу ҳақда гувоҳлик берадики, Рус давлатининг тажовузига қарши қураш умумхалқ ишига айланиб, ўз сафига аҳолининг барча тоифаларини тортди. Султон Саъидхон ва Олимкул бошчилигидаги қўшин ва халқ оломони Чимкент яқинидаги Шарафхона деган жойга ўрнашадилар. Бу вақтга келиб руслар Чимкентга яқинлашган эдилар. Черняев 6 пибда рота, 100 нафар казак, 10 замбарак, 2 ракета станогини ва умуман 1300 аскар билан йулга чиқиб, 1864 йил 10 июлда Арис дареси екасидаги Ёкчисув деган жойга ўрнашади. Бу вақтда штабс-капитан Мейер 1,5 пибда рота, 100 нафар казак, 2 тўп ва 2 ракета станогини ва ҳаммаси бўлиб 400 аскар билан ўша Арис

даресининг бўйидаги Кораспаз номли ерга келади. 15 июлда эса, бу харбий қисм Чимкентдан 12 чакирим наридаги Окбулокка келиб жойлашади. Черняев старшина Катанаев бошчилигида 75 отлик ўкчи, 50 нафар казак ва 2 замбаракни хавф остида қолган Мейерга ердам учун жўнатади. Аммо Катанаев аскарлари йўлда ватан химоячилари томонидан қуршаб олиниб, жанг 5 соат давом этади. Унинг икки аскари ҳалок бўлиб, уқтаси жароҳатланади.

Бу вақтда Олимкул бошчилигидаги аскарлар ва халқ қўнгиллилари Чимкент атрофига жойлашиб олган эди. Уларнинг бир қисми Катанаев қўшинига ҳужум қилади. Черняев дарҳол йўлга чиқиб оғир аҳволга тушиб қолган старшина Катанаев билан қўшилишга уринади. Бунга эришгач, у Чимкентдан 8 чакирим масофада жойлашган Олтинтепа қўргонига бориб жойлашади. Шунда қарши томонда 6-9 минг атрофида ватан хи-моячилари турганлиги ҳақида маълумот олади. Бошқа маълумотларга қўра, улар сони 10-12 минг кишини ташкил этган. Маълум вақтдан кейин Лерх ва Мейер уз қўшинлари билан Олтинтепада Черняевга қўшиладилар. 1864 йилнинг 13 июлида капитан Мейер аскарлари Арис даресидан кечиб Окбулокка ўрнашгандан бир кун ўтиб, 14 июлнинг эрта тонгида ватан химоячилари рус аскарларини қуршаб олиб, жанг бошлаб юбора-дилар. Икки томондан тўп ва милтиқлардан ўқлар ёғдирилиб, жанг 16 июлнинг эрталабигача давом этади. Унга Олимкул бошчилик қилди. Солих Тошқандийнинг ёзишича, оддиндан белгилаб қўйилган тартибга қўра, Мингбой Кипчок баходир бошчилигидаги аскарлар жанг бошлаб берган. Ундан кейин Мирза Давлат қўмондонлигида тошкентликлар, сўнгра Хўжанд хокими Мирза Аҳмад кушбеги йигитлари майдонга отилиб чиққанлар. Сўнгра бирин-кетин Маргилон, Қўкон, Андижон, Ўш, Наманган навқарлари жангга киришганлар. Харбий сардорлар орасида эшони Қалонхўжа судур, Муминхўжа судур, Мирбобо понсодбоши, Аваз Мухаммадбий ва бошқа жасур кишилар бор эди. Жанг майдонида дин пешволари, олиму фозиллар ва бошқа нуфузли кишилар Ватан оддидаги ўз бурчларини адо этиб, кишиларни руҳлантириб турганлар. Бу ҳусусда ва, умуман, жанг ҳақида Мухаммад Солих Тошқандий шундай бзади: «Ўрусларни пасткам ерда чашма ёнида мужохидлар тўрт тарафдан камал қилдилар. Бир кеча-кундуз тўплардан ва милтиқлардан отишма бўдди. Шундан кейин уламолар ва фозиллар навқарлар, жангчилар ва йигитлар орасида юриб, пайгамбар ҳадисларидан гапиришиб жиход ва газотга чақирдилар, зафар ва муваффақиятлар тиладилар.

Лашқарбоши Мулла Олимкул мужохидларнинг ҳар бирининг қўнглини қўтариб, ҳаммани оддан тушиб ҳужумга ўтишга фармон берди. Шу равишда қарнайлар садоси остида тўрт томондан ўрусларга қарши ҳужум қилинди. Ўша онда ҳозир бўлган кишиларнинг сўзларига қўра, мужохидлар 2-3 минг қадамгача олға чопдилар, аммо икки томон ўртасида бир ярим минг қадам жой қолганда ўруслар замбарак ва милтиқлардан шундай қаттиқ ўқ етдирдиларки, бирданига 12 минг киши жанг майдонида ўлдирилди ва жароҳатлантиридди». Шундан кейин рус қўшини бошлиги Мейер урушни тўхтатишни ва ўликларни ҳамда ярадрларни майдондан олишни таклиф этди. Бундан мақсад Мейернинг ўзи бошлиқларига берган рапортига қўра, қамаган ўқ-дориларни тежашдан ва вақтни ютишдан иборат бўлган. Унинг таклифи мағзини чакмаган Олимкул дарҳол рози бўлиб, майдондан ўликлар ҳамда ярадорлар олинган. Шу фурсатдан фойдаланиб капитан Мейер аскарлари билан жуфтқилиб қолган. Ваҳоланки, Олимкул жангни тўхтовсиз давом эттираверганда душманни тамомла тор-мор этиб, анча қурол-аслаҳани қўлга қиритган булар эди.

Капитан Мейер оркага чекинаётганда йўлда подполковник Лерх кўшинини учратиб унга кўшилади.

Жангларда 10-12 минг кишилик ватан химоячиларидан, бир маълумотга кўра, 2000, иккинчиси бўйича 3000 киши ўлдирилган. Аммо Солих Тошкандий айтганидек, ўлганлар сонини бир неча минг ошиқ килиб кўрсатган. Хар холда ўлганларнинг сони кўп бўлган. Руслардан эса 13 киши ўлдирилган ва 67 киши жароҳатланган. Рус кўшини жангда 210 ядро, 19 жанговар ракета ва 25.319 дона милтик ўқи ишлатди. Хуллас, Ватан химоячилари душман устидан галабага эришадилар. Аммо рус харбий бошликлари бу маглубиятни очик-ойдин ёзмай, соддатлар Авлиёота ва Туркистонга кайтдилар, деб силликкина равишда таъкидлаганлар, холос. Аваз Мухаммад Аттор Хўкандий Чимкент остонасидаги жангни ва галабани шундай тасвирлайди: Ватан химоячилари «бор куч-кудратлари билан динимиз душманларига карши урушайлик ва зарба берайлик, шоядки, кофирларга кимлигимизни кўрсатсак, деган карорга келишди... Мулла Олимкул эшикогаси кўлига зафар жиловини олиб, икбол остонасига кадам куйди, шарафи эса осмон авжига етиб, фатху зафар учун аскарларга ишорат килди... Икки томондан ҳам харб ногораси ва уруш найи чалинди. Мусулмонлар тантанаси фазода акс-садо берарди. Довул садоси, ешу кари фарёди аршдаги малак кулогини ҳам кар килди. Газабнок суворийлар ва шиддаткор йигитлар душман томон ҳамла килдилар. Омонлик товуси оромини йўқотиб зогга ўхшаб бир чеккада турарди. Ажал лочини уруш майдонида парвоз килиб, рух кушини сайд этарди. Катл олови шундай ёниб кетдики, осмон токига етарди, уруш шуъласининг таъсири шундай эдики, унинг нури фалакни ёритарди. Диловар аскарлар уз жонларидан кечиб, ширин хаётни унутиб бахордаги чакмок камишзорга ургандек, курашга ташландилар. Хусусан, ахли ислом кофирларни каттик жазоладилар, уларни жило тиги билан уриб, шижоат ўқини отиб, бошларини танидан жудо килиб ташладилар. Кўп кушойишлардан сўнг зафар насими Оллох инояти ила мусулмонлар томонига эсди, кофирлар бошига бадбахтлик тупрогини ховучлаб сепди ва уларни шарманда килди. Ўруслар тез орада омонлик сураб мусулмонлар олдида тиз чўкиб бош кўйдилар».

Манбаларда кўрсатилишича, ватан химоячилари ажойиб галабани кўлга киритгандан сўнг душман томонидан Олимкул хузурига Северцев деган киши элчи сифатида келган. Афсуски, бу элчининг фаолияти рус манбаларида ўз аксини топмаган. Генерал Черняевнинг сўзича, аввал гуё Олимкул элчи юборган, бунга жавобан эса Северцев жунатилган. Менингча, голиб томон хар кандай шароитда душман хузурига элчи юбориб сулх тузишни сўраб бошини эгмайди. Буни Олимкулнинг Северцевдан Авлиёота ва Туркистоннинг Кўкон хонлигига кайтарилиши хакидаги талаби ҳам тасдиклайди. Рус элчиси хакида бирмунча тўларок маълумот Аваз Мухаммад Аттор Хўкандий асарида мавжуд. «Кўп ўрус кофирлар, — дейилади унда, — бошланг, кулохларини кўлга олиб, кўркиб узр сўраш учун Мулла Олимкул сардор хузурига келдилар. Совга-саломларини тортик этиб, душманлик ва адоват рухидаги калималарни унутиб, улар ўз максадларини баен килишди. Мусулмонлар сулх васикасига имзо кўюб, ўруслардан икки лак микдорида Россия тиллосида пул талаб килишди, бу эса Хўканди латифнинг 225 минг бир мисколли ашрафийсига тенг эди. Улар Туркистон вилоятини ҳам кайтариб беришга рози бўлишди. (Уруслар) рухсат олиб ўз кўшинларига кайтиб кетишди».

Рус элчисининг келганлигини Мухаммад Солих Тошкандий ҳам ўз асарида кўрсатиб утган. Чунончи, «ўруслар томонидан, — дейди у, — бир элчи хайъати келиб ахду паймонлар килиб, Султон Саъидхон оддида ўз шартларини изхор килиш максатида

амири лашкар Мулла Олимкулга совга сифатида тўн келтирдилар ва жавобга мунтазир бўлиб турдилар».

Олимкул тошкентлик Юнусхон шиговулга сардорлар, кабила бошликлари ва бошка нуфузли кишиларни тўплашни буюрган. Шундан кейин рус элчиси билан тинчлик сулҳини тузиш масаласи бўйича муҳокама ўтказилиб, бир гуруҳ "кишилар сулҳ тузишни ёқлаб, бошқалар, хусусан, тошкентликлар уни кўзбўямачилик ва алдаш учун қилинаётганлигини айтиб, рус аскарларининг орқага дархол қайтишини талаб этишни сўрадилар. Бу фикр қувватланди ва элчилар Туркистонга қайтдилар.

Умуман айтганда, рус элчиси Северцевнинг фаолиятига доир қўлимиздаги маълумотлар етарли бўлмай, бир-бирига зид фикрлар мавжуд. Бу масала келажакда қўшимча маълумотлар асосида ўрганилиши лозим. Шунга қарамай, айтиш мумкинки, рус харбий саркардалари мағлубиятга учраб танг аҳволга тушганликлари учун элчи юбориб, голиблар нима талаб қўйсалар шуни қабул қилганлар ва фурсатдан фойдаланиб тамомила тор-мор этилишдан сақланиб қолганлар. Айтганда, рус аскарларида ўқ-дори жуда оз қолиши катта хавф тугдирган эди.

Чимкент остонасидаги галаба тезда хонликнинг кўп жойларига маълум бўлиб, у том маънодаги байрамга айланди. Бу хусусда Аваз Мухаммад Аттор Хўкандий шундай ёзади: «Мулла Олимкул сардор бу фарахбахш хабарларни (галабаларни) вилоят ва музофотларга тарқатиб чиқди. Сагиру кабир ва ганию шариф ҳамма жойда бир ҳафта хурсандчилик қилиб, бир-бирларига суюнчи берардилар».

Аммо галаба байрами узокка чўзилмади. Черняев, Мейер ва Лерх бошчилигидаги кўшинлар бирлашиб, 1864 йилни 22 июлида Окбулокка ўрнашдилар. Сўнгра улар Чимкент шаҳри томон юриш бошлайдилар. Уларни 15-18 минг атрофидаги ватан химоячилари қуршаб олади. Бу воқеа Чимкент қалъасининг ташқари томонидаги Жинон қабристонига содир бўлган. Аммо бу ердаги жанглар рус харбийлари ахборотида гўё ҳеч нарса бўлмагандек тарзда ёзилган. Шубҳасиз, мағлубиятни яшириш мақсадида шундай қилинган, албатта. Аслида ватан химоячилари бу галги урушда ҳам жасорат ва мардлик намуналарини кўрсатиб, ажойиб галабага эришдилар. Бу жангнинг тафсилоти Мухаммад Солих Тошкандий асарида ҳам ўз ўрнини топган: «Мингбой Баходир биринчи фотихани олиб қипчок қабиласи йигитлари билан ўруслар йўлини тўсиб, урушга хозирланди. Иккинчи тарафдан тошкентлик жангчилар уруш майдонида пайдо бўлдилар. Шу ҳолда Мирза Аҳмадбек қушбеги бошчилигидаги Хўжанд навқарлари урушга киришдилар. Хўкандлик, маргилонлик, андижонлик ва наманганлик сарбозлар амири лашкар Мулла Олимкул қўмондонлигида Жинон қабристонининг бир томонида жанг қилдилар. Бу ерда қилич ва найзабозлик билан ёқама-ёқа ушлашиб шундай қиргин бўлдики, ўликлардан тепалар ҳосил бўлди. Жангда Мингбой Қипчок от устида қилич билан у ёқдан бу ёққа чопиб душманлар қалласини танасидан жудо қилди. Аммо унинг ўзи ҳам душман уқидан ҳалок бўлди. Хуллас, кун ботгунча тўхтовсиз уруш бўлиб, ўруслар охири чидай олмай орқага қайтиб Авлиёотага чекиндилар».

Ватан химоячилари бу иккинчи дахшатли урушда ҳам қахрамонона равишда қурашиб таҳсинларга сазовор бўлганлар. Хатто улар чекинаётган душман орқасидан қувлаб борганлар. Бу ҳақда Аваз Мухаммад Аттор Хўкандийнинг маълумоти диққатга сазовордир: «Сафар ойининг чоршанба, йигирма иккинчи кунда (28 июлда) бир неча минг кофир ўз «гўрхона»ларидан тўсатдан чиқиб, ислом лашкарини писанд қилмасдан, уларга тўпу тўфангдан ўқ отиб, Чимкент қалъаси томон йўлга тушдилар. Камози талигача етиб келиб, шу ердан шаҳар қалъасини тўпга тутиб, шундай уруш қилдиларки,

(кўрган) одамнинг журъати вахимага тушиб, хайратдан гунг ва лол бўлди. Мулла Олимкул сардор жаноблари хар бир пахлавон гурухини хар жойга тайинлаб, Мингбой кушбегини ўзини оркасига жойлаштирди. Мулла Олимкул эшикогасининг ўзи бир неча душман билан урушарди...

Алқисса, икки томон ҳам шу хатарли ҳамда хавfli жойда матонат ва сабот ила бир-бирлари билан каттик олишди. Фаргона кўшини эртадан кечгача мухораба килди...

Охирда зафар шамоли Фаргона томон эсди ва кофирлар тор-мор бўлиб, кочишга ихтиер килдилар». Мазкур сатрлар муаллифи уруш майдонида Мингбой кушбегининг ўқдан ўлганлигини ва ватан химоячиларининг «шеру йўлбарсдек ҳамла килиб» рус солдатларининг оркасидан таъкиб этганликларини ва улар билан жангга кирганликларини ҳам баен этган.

Рус харбий бошликларининг тан олишича, тўп ва милтиклардан мўлжалга уришда ватан химоячилари анча юкори даражага кўтарилган ҳамда Кўкон кўшинида бир хил чиройли харбий кийимдаги 500 кишилик гвардия кисми ташкил топган. Бу гвардиячилар ўзларининг жанговар махорати ва кийими билан рус солдатларида яхши таассурот колдирган. Хатто генерал Черняев Кўкон артиллериясининг тобора такомиллашиб бораётганидан безовталаниб, агар тез орада хонлик тор-мор этилмаса, кейин унга бас келишнинг иложи бўлмаслигини ҳукумат вакилларига маълум килган. Гарчанд Кўкон хонлигида харбий сохада силжиш кўзга ташланиб, галабага эришилган бўлса-да, лекин йўл кўйилган катта хатолар ёмон окибатларга олиб келди. Аввало Олимкул хаддан ташкари кўполлик ва зўравонлик билан иш юритиб бир бахона билан тажрибали саркардаларни ўлдирган. Масалан, у Ниёзали понсод-бошини Авлиётани руслардан саклаб коллмаганлиги учун тўпнинг огзига бойлаб оттирган. Вахоланки, Авлиёота уруши вақтида унга ҳеч қандай ердам кўрсатилмаган эди. Шунингдек, турли айблар кўйилиб, Султон Махмудтўра, Улугжонтўра, Нормухаммад кушбеги, Мухаммад Назарбек парвоначи ва бошқалар ўлимга махкум килинган.

Олимкулнинг, айникса, козокларга нисбатан юргизган сиёсати вазиятни янада кескинлаштирганди. У энг обрўли козок бийларидан хисобланган Бойзокбийга кўпчилик хузурида «Бойзок, сен аввалдан ислом аскарига закот берар эдинг, нега энди бизга бермай, Русияга бердинг?» деганда, Бойзокбий амири лашкарга: «Таксир, мен бир юз йигирма бийнинг отасиман, буларга яйлов керак, деб, «Русиядан 25 чакирим ерни ижарага олганман, унинг ижарасини бераман, сизга эса закот бераман», деганда, амири лашкар: «Сен икки марта аҳд килдинг, яна буздинг» деб, «Шуни замбаракка солиб откил», дея тўпчига фармон берибди. Шунда Бойзок чол кари киши бўлиб ёши юздан ўтган экан, деб-ди: «Хой, амири лашкар, мени бундай килма, кўзимни кўр килиб, Хўқандга жубор, мен Русияга даф бўламан, мени хабарим болаларим ва бийларимга етса, сенга ёв бўлурлар, Русияни сенга бошлаб келурлар, хар калай, мени ўлдирма» деса, амири лашкар кулок солмай, «Кафил хат берайин» деса ҳам кабул килмай, охири кўп порохни замбаракка солиб, кичкина одам экан, ёнига икки бог курук беда тикиб оттирибди. Уни танаси осмонда парчаланиб «на улуги ва на суяги ҳам кўрин-мабди».

Бу дахшатли фожеа бутун козок элининг Кўкон хонлигига нисбатан кахр-газабини уйготиб, Бойзок-бийнинг икки ўгли отаси касдини олишга аҳд килиб ҳамда тўда-тўда бўлиб русларнинг харбий юришларига кўлларида келганча мадад ва ёрдам берганлар. Шунинг учун ҳам Мулла Олим Махдумхожи бу килмишни коралаб: «Мулла Олимкул бир неча кун Чимкентда туриб, козокиянинг энг улуг ва эътиборли одамларидин Бойзок додхохни тўпга бойлаб, отиб ўлдуриб, бир неча сартия ва элатия саркардаларини отиб

ўлдириб, ўзига емон ном олиб, душман устига душманни кўпайтирди», деб ёзганди.

Вазият нозик ва хатарли бўлиб турган бир пайтда ички ва ташки тарафда душманнинг кўпайтирилиши, меъеридан ортик зўравонлик Рус давлатига жуда кўл келганди. Шунингдек, Султон Саъидхон ва Олимкулнинг энг катта хатоси шундан иборат бўлдики, улар барча харбий кучларни Чимкентга жалб қилиш ва шу ерда бош-кош бўлиб туриш ўрнига Тошкентга ва бу ердан Кўконга кетиб қолишди. Гарчанд улар кўшиннинг муайян қисми ҳамда 40 тўпни қолдириб, Чимкент қалъасини мустахкамлашни ҳоким Мирза Аҳмад кушбегига топширган бўлсалар-да, лекин иш ниҳоясига етмасданок рус аскарлари келатганлиги хақида хабар олинади. Бу вақтга келиб рус ҳукумати Туркистон, Авлиеота, Марки ва Тўқмоқни ўз ичига олган Кўкон қизигини ташкил қилиб, унга генерал Черняев кўмондон этиб тайинланган эди. Бу линия Гарбий Сибир генерал-губернаторлигига бўйсундирилди.

Ўта шухратпарастлик ва манманликка берилган генерал Черняев ўзбек хонлиқларини шиддат билан эгаллаш тарафдори бўлган. У кўп ҳолларда, бошлиқлари билан келишмасдан ҳам ўзбошимчалик билан харбий юришлар уюштирган. Масалан, у Чимкентни дарҳол босиб олиш лозим, деб бошлиқлари руҳсатисиз харбий юришни бошлаб юборади. У 10 пиеда рота, 200 нафар казак, 12 тўп, 5 мортира, 1000 кишилик козок милиционерлари қисмлари билан Туркистондан чиқиб, 1864 йил 18 сентябрда Чимкентга яқинлашади. Бу харбий қисмда подполковник Лерх бошчилигидаги аскарлар ва харбий техника ҳам бор эди. 1864 йил 19 сентябрда рус аскарлари Чимкент атрофида жойлашиб, тайёргарлик ишларини олиб борди. 20 сентябр эрталабдан бошлаб душман шаҳар қалъасини ўққа тутиши билан жанг бошланиб кетади. Бутун 21 сентябр кунини давомида икки томон ўртасида уруш давом этган. 22 сентябр эрталаб душман кучлари шаҳарга бостириб қирадилар ва қалъани эгаллайдилар.

Мухаммад Солих Тошкандийнинг ёзишича, Чимкентдаги ватан химоячилари ва рус аскарлари ўртасидаги олишув аёвсиз кечган. Аммо Мирза Аҳмад кушбегининг бир гуруҳ кишилар билан Тошкентга қочиш кетиши мудофаанинг сусайишига олиб келган. Руслар шаҳар ичига бостириб киргандан кейин кўлга тушган одамларни ўлдираверганлари орқасида «мурдалар тўп-тўп бўлиб» етган. Бунга шаҳар аҳолининг душманга қарши қаттиқ жанг қилганлиги ҳам сабаб бўлган. «Икки томон ҳам саъй-харакат ила қамоли қахрамонлик кўрсатиб, сабту қарор қадамини босиб, бир-бирлари билан жанг қилдилар... Пиеда ислом лашкарлари имкон қадар қофирларга қарши қурашиб, муродсизликдан тушқунликка тушган ҳолда нобакорлар ўқидан ҳалок бўлавердилар...»

Рус аскарлари қари-ёшга қарамай хонадонларга бостириб қириб, шафқатсизларча кишилар қалласини танасидан жудо қилганлар. Шу равишда шаҳар қонга беланган ва бойликлар таланган. Бу тўғрида рус муаллифи шундай ёзганди: «Чимкент генерал Черняевнинг хужуми орқасида Рус давлати кўлига ўтди. Қиргин-барот ниҳоятда шафқатсизларча олиб борилиб, солдатлар бозорни таладилар ҳамда хонадонларга қириб кишиларни бўғдилар. Шунингдек, кўп аёллар ва болалар қаттиқ азоб чеқдилар. Жамоа аҳли ўша вақтдаги қиргин-баротлар йиллигини катта мотам ва дод-фаред билан нишонлайдилар. Бунинг учун улар қофирларям жа-золашга, яъни ўч олишга тайёрдирлар. Леки бунга имконлари йўқ. Чунки улардан қурол-аслаҳалар тортиб олинган».

Босқинчилардан хужум вақтида 2 киши ҳалок бўлиб, 36 киши жароҳатланган. Улар кўплаб қурол-аслаҳа ва турли-туман бойликларни ўлжага оддилар. Чимкент ҳам қонли жанглар ва қурбонлар эвазига Рус давлати томонидан босиб олинди. Рус харбий



Муаллиф:

03.09.2013 16:51 -

---

маъмурияти Сидик Назар додхохни Чимкент шаҳри мингбошиси килиб тайинлайди.

Шуни алохида таъкидлаб ўтиш лозимки, Рус давлати тажовузига карши курашларда айрим козок ботирлари ўзбекларга брдам кўлини чўзганликлари маълум. Масалан, машхур козок ватанпарвари Кенесари Косимовнинг ўгли Содик 120 кишилик йигитлари билан ёрдамга келиб, Туркистонда рус аскарларига карши жанг килган. У даставвал Рус давлати тобелигида бўлиб, кариндош-уруглари билан Окмасжидда яшаган. Сўнгра Рус давлатининг хукмронлигидан ва тажовузларидан норози бўлиб, Кўкон хонлиги тарафига ўтди.

Содик Кенесари ўгли Чимкент атрофларида генерал Черняев бошчилигидаги тажовузга карши ўзбеклар билан кўлни-кўлга бериб жанг килиб, бу ерда кўлга киритилган галабага салмокли хисса кўшган. У жангда халок бўлган мохир лашкарбоши ва Олимкулнинг ўнг кўли Мингбой ўрнига тайинланган эди. Душман Чимкент калъасини куршаб, хужум килган вақтда Содик Кўкон отликларига бошчилик килган. У кейинги озодлик курашларида ҳам ўзбеклар билан биргаликда фаол катнашди. Бу тўғрида сўз ўз ўрнида айтилади.

Туркистон ва Чимкентнинг босиб олиниши рус харбий саркардалари ва солдатларининг боскинчилик иштахасини янада очиб юборганди. Эндиликда минтаканинг энг катта ва бой шаҳарларидан булмиш Тошкентни босиб олишга кенг йўл очилганди.

Хамид Зиёевнинг "Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига карши кураш" китобидан